



ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Гулнора Мардиевна Шадиева

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти "Реал иқтисодиёт" кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори. Самарқанд, Ўзбекистон. gulnora.shodiyeva@mail.ru

<https://orcid.org/my-orcid?orcid=0000-0001-7078-8815>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a34

Аннотация

Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида қишлоқ жойларида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, қишлоқда тадбиркорликни, унинг кичик бизнес шакллари ривожлантириш билан боғлиқ турли бошқарув поғоналарида ташкилий иқтисодий масалаларини такомиллаштириш, шу асосда соҳани ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: Бизнес, оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик

ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ

Гулнора Мардиевна Шадиева

Профессор кафедры "Реальной Экономики Самаркандского института экономики и сервиса, доктор экономических наук. Самарканд, Узбекистан.

Аннотация

В данной статье рассмотрены возможности развития малого бизнеса и семейного предпринимательства в сельской местности в условиях цифровой экономики, совершенствования системы привлечения населения к предпринимательству, сокращения бедности и развития предпринимательства, организационно-экономические вопросы, связанные с развитием предпринимательства. в сельской местности и малом предпринимательстве, на этой основе автором были разработаны предложения и рекомендации по развитию сферы.

Ключевые слова: Бизнес, семейное предпринимательство, малый бизнес, развитие услуг, предпринимательство

OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND FAMILY ENTREPRENEURSHIP IN RURAL AREAS

Shadieva Gulnora Mardievna

Professor of the Department of "Real economics" of the Samarkand Institute of Economics and service, DSc. Samarkand, Uzbekistan.

Abstract

In this article, the possibility of developing small business and family entrepreneurship in rural areas in the conditions of the digital economy, improving the system of attracting people to entrepreneurship, reducing poverty and developing entrepreneurship, organizational economic issues related to the development of entrepreneurship in rural areas and small business. improvement, proposals and recommendations for the development of the field on this basis were developed by the author.

Key words: Business, family entrepreneurship, population welfare, small business, service development, entrepreneurship

Кириш

Мамлакатимизда инсонга эътибор борасида олиб борилаётган амалий ишлар замирида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожига кенг имконият яратиш мақсади мужассамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”¹ги ПФ-60-сонли Фармонининг учинчи устувор йўналишининг 29-мақсади: Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш чора тадбирлари белгиланган.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, бугунги кунда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Мазкур соҳага йўналтирилган дастурлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг берган маълумотларига кўра², оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2021 йилнинг 1 май ҳолатига ўтган даври давомида 148 мингдан ортиқ лойиҳага жами 3,6 трлн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг 648 млрд. сўми (18%) юридик шахслар ва ЯТТларга, 2 трлн. 931 млрд. сўми (82%) ўзини ўзи банд қилувчи жисмоний шахсларга ажратилган. Бунда асосий эътибор аҳолини қўшимча даромад манбаларига эга бўлишига ҳамда кафолатланган янги иш ўринларини яратишни назарда тутувчи тадбиркорлик субъектларини лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилди. Ушбу кредитларнинг 84% (3,0 трлн. сўми) “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури, 16% (576,2 млрд. сўми) бошқа дастурлар ҳиссасига тўғри келади. Мазкур маблағларнинг 1 трлн. 568 млрд. сўми хотин-қизлар тадбиркорлигини, 1 трлн. 577 млрд. сўми ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган³. Мазкур дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, орттирилган тажриба ҳамда халқаро амалиёт комплекс ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи кредит олиш имкониятидан иборат бўлган яхлит тизимни шакллантиришни тақозо этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони

²https://cbu.uz/oz/press_center/reports/637717/

³ Уша ерда

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом этмоқда. Шу билан бир қаторда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик тузилмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўлларини тадқиқ этишда ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд. Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим масалалардан биридир. Хусусан, мулкчиликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб эътироф этилаётган хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишнинг истиқболини белгилаш, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва шу соҳада илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ўта муҳимдир. Чунки иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, иқтисодиётни янада эркинлаштиришда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини ривожлантириш, унинг натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишга эришилмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва уни ривожлантиришнинг фундаментал масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган, жумладан, Р.Кантиллон[1], Р. Стюарт [2], Н.Сирополис[3], Г.Беккер [4], Дж.М.Кейнс[5], И.Шумпетер[6], А.Смит[7] ,

Лапуста М.Г. [8] (ва бошқалар) каби олимлар тадқиқотларида илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодчи олимлардан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари билан М.К. Пардаев [9], А.Ўлмасов, Шарифхўжаев М. [10], Ҳ.П.Абулқосимов[11], А.А.Қулматов[12], С.С.Ғуломов [13], Т.Мамадвалиев [14] У.Д. Ахмедов[15], Б.Беркинов[16], Р.Х.Ҳусанов[17], О.М. Пардаева[18], Ш.О.Қувондиқов[19] кабилар шуғулланиб келмоқдалар.

Тадбиркорлик фаолияти олдиндан назариячи, иқтисодчи олимларнинг диққат эътиборида бўлиб келган. Тадбиркорликнинг биринчи илмий таърифини XVIII аср бошида инглиз олими Р.Кантиллон берган.

Унинг таъкидлашича, —Тадбиркор фойда олиши чегараланмаган ва баҳоси аниқ товарларни сотиб олади, лекин сотиш баҳоси ноаниқ бўлади. У таваккалчи, таклифни талабга мословчидир⁴[1],

И.Шумпетер[11], эса “тадбиркорликнинг беш муҳим томонини, яъни истеъмолчиларга номаълум янги товарлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, янги ишлаб чиқаришни қўллаши ва мавжуд товарлар сотилишини таъминлаши, янги товарларни ўзлаштириши, янги хом-ашёлардан фойдаланиши, тармоқни жорий этишдир” деган фикрни келтиради.

Америкалик иқтисодчи Р. Стюарт[3], кичик бизнесни ўзига хос бўлган қўйидаги жиҳатлари тўғрисида фикр юритади:

⁴ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Акад.С.Ғуломов умумий таҳрири остида. -Т.: Фан ва технология, 2005.-443 б.

биринчидан, кичик бизнес, кўпчилик янги маҳсулот ёки хизмат турининг бунёд этилиши учун бошланғич ишлаб чиқариш нуқтасидир. Бир шахс биронта ғояни амалда тадбиқ этишга уринади. Агарда, у муваффақиятли бўлиб чиқса, бизнес ўсади ёки маҳсулот каттароқ фирма томонидан сотиб олинади;

иккинчидан, кичик бизнес шахсга тажриба орттириш имконини бериши мумкин ва бу ўзлаштириш кейинчалик каттароқ миқёсда қўл келиши мумкин;

учинчидан, кичик бизнес ўз истеъмолчисини шахсан билиши муҳим бўлган хизмат турларини таклиф этади;

тўртинчидан, мулк эгаси истеъмолчиларнинг ишини яхши бажаришдан манфаатдор бўлган шахсга нисбатан ишончларига таянади.

Иқтисодчи олим Н.Сирополис[6], , “кичик бизнес корхоналар ишчилар сони, маҳсулот сотиш ҳажмига кўра ўрнатилган мезонларга кўра аниқланади” деган фикрларни билдирган.

“Кичик бизнес субъектларининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб биринчи навбатда унда ишчиларнинг ўртача сони ҳисобланади” деган фикрни эса Россиялик иқтисодчи олим М.Лапуста [9] билдирган.

Иқтисодчи олимларимиздан Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. лар ўзларининг илмий адабиётларида тадбиркорликнинг факат кичик, ўрта шаклларинигина таҳлил қилишган. Шунингдек, улар тадбиркорликнинг фаолият соҳаларига ва мулкчилик турларига кўра намоён бўлиш шаклларини кўрсатиб беришган [23]. Россиялик олим Ю. М. Осипов асосан тадбиркорликнинг якка ва жамоа таркибидаги шаклларини кўрсатиб ўтганлар. [22]. Бошқа бир гуруҳ олимларимиз эса тадбиркорликнинг кичик ва ўрға, хусусий ва давлат шаклларини хусусида илмий изланишлар олиб борганлар.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик шаклларининг мулк шакли, фаолият соҳаси, шунингдек, банд бўлган ходимларининг сони кўра гуруҳларга гуруҳларга ажратиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг асарларида тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари умумий тарзда ёритилган. Аммо бугунги кунда тадбиркорлик муаммолари кам ўрганилган ва мос равишда иқтисодий адабиётларда ҳам кам ёритилган.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, республикамизда бугунги шаклланаётган иқтисодиёт бутунлай бир янги йўналишда олиб борилмоқда. Бунга сабаб мамлакатимиз иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидир. Бугунги кунда қишлоқ жойларида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг айнан шу ҳолати мазкур соҳада чуқур илмий тадқиқотларни олиб бориш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу эса мазкур мавзунинг яна бир бор долзарб масалаларга бағишланганлигидан далолатдир.

Тадқиқот методологияси

Кичик бизнес ва оилавий дунё олимлари ва иқтисодчилари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни ўрганиш, маълумотларни тўплаш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, синтезлаш, мантиқий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар

тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги йилларда Президентнинг эликдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари содалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатиға, Президент сиёсатиға тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади»⁵, деб таъкидлаб ўтган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга яратилган кенг имкониятлар шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар ва инвесторлар учун бир қатор қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратилганлиги туфайли жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитасининг берган маълумотларига кўра янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони 2017 йилда 13654, 2018 йилда 13227, 2019 йилда 30442, 2020 йилда 23320, 2021 йилда 26812 та бўлиб, 2019 йилга нисбатан 2021 йилда ўсиш сурати 88,1% ни, 2020 йилга нисбатан 115,0% ни ташкил этган.

Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари давлат иқтисодиётининг барқарор ишлашиға муносиб ҳиссасини қўшиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. 2021 йил январь–март ойларида янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг ўсиш суръати 2017 йилнинг мос давриға нисбатан 196,4 фоизға ошган⁶

2021 йил январь–март ҳолатиға кўра янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг ҳудудлар бўйича қуйидагича бўлган (Жадвал 1):

Ҳудудлар кесимида янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари тўғрисида маълумотлар (2021 йил январь–март ҳолатиға кўра)


Жадвал

Вилоятлар	Сони, та бирликда	Вилоятлар	Сони, та бирликда
Тошкент ш..	4502	Сурхондарё в.	1677
Қашқадарё в.	3050	Анджон в.	1542
Самарқанд в	2412	Хоразм в.	1271
Тошкент в. в	2350	Қорақалпоғистон Р.	1271
Фарғона в.	2113	Жиззах в.	1232
Наманган в	1750	Навоий в.	1216
Бухоро в.	1731	Сирдарё в	695

⁵ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирға қурамиз. / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимиға бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // <http://uza.uz/oz/politics/erkin-va-farovondemokratik-zbekiston-davlatini-mard-va-olizh-14-12-2016>

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра 2021 йил январь-март ҳолатига кўра янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларини ҳудудлар бўйича энг кўпи Тошкент шаҳрида – 4502та, Қашқадарё вилоятида – 3050та, Андижон вилоятида – 4508 та, Самарқанд вилоятида – 2412 та, Тошкент вилоятида – 2350 та ва Фарғона вилоятида – 2113тани ташкил этган. Шунингдек, энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида – 695тани ташкил этган.

2021 йил январь март ойлари ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари тўғрисида маълумотлар қуйидаги диаграммада келтирилган (1-расм).



1-расм. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари

1-расмда келтирилган маълумотларга кўра, 2021 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 76 458 тага кўпайган ва 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсди ва ўсиш суръати 86,8 фоизни ташкил этган.


Иқтисодий фаолият турлари кесимида энг юқори ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (137,8 фоиз), савдода (129,6 фоиз), ахборот ва алоқа (119,0 фоиз) ва соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (118,2 фоиз) соҳаларида кузатилган бўлса, ҳудудлар кесимида Сурхондарё (135,6 фоиз), Қашқадарё (131,0 фоиз), Самарқанд (127,2 фоиз), Жиззах (124,6 фоиз) ва Бухоро (124,3 фоиз) вилоятларига тўғри келган⁷.

2022 йилнинг йилнинг январ-июнида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 50,5 % ни, , 2021- йилнинг январ-июнида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 52,9 %, 2020- йилнинг январ-июнида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 52,6% ни ташкил этган 2019- йилнинг январ-июнида бу кўрсаткич 51,5 % ни ташкил қилган. ЯИМнинг ўтган йилга нисбатан пасайиши йирик корхоналар улушининг ошиши билан изоҳланади⁸ (2-расм).

Ушбу кўрсаткичларни ривожланган мамлакатлар билан таққослайдиган бўлсак, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши Францияда 62 фоизни, Италияда 60 фоизни, Японияда 55 фоизни, Германияда 54 фоизни, Буюк Британияда 53 фоизни, АҚШда 52 фоизни, Қозоғистонда 25,6 фоизни, Россияда 20,0 фоизни ташкил этади. Кичик бизнес соҳасига тааллуқлилигининг мезонлари ҳар бир мамлакатда турличадир.

⁷ Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

⁸ <https://www.toshstat.uz/uz/matbuot-markazi/news/7402-o-zbekiston-respublikasida-kichik-tadbirkorlik-subyektlarining-aimdagi-ulushi>



2-расм. Кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши

Масалан, АҚШда ходимлар сони 100 кишигача ҳамда йиллик айланмаси ҳажми 3 млндан 12 миллион АҚШ долларигача бўлган субъектлар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Ходимлар сони 100 дан 500 ишигача бўлган субъектлар эса ўрта бизнес субъектлари деб юритилади.⁹

Шунингдек, Россияда кичик бизнес субъектларига ходимлар сони 100 кишигача ҳамда йиллик тушум ҳажми 400,0 миллион рублгача бўлган субъектлар тааллуқли бўлади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра¹⁰, 2022- йилнинг январ-сентябр ойлари якунлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 305 965,9 млрд. сўм миқдоридида қўшилган қиймат ёки иқтисодиётдаги ялпи қўшилган қийматнинг 52,8 % и яратилган. Шундан 45,5 % и қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 10,9 % и саноат, 10,1 % и қурилиш тармоқлари ва 33,5 % и хизматлар соҳасига тўғри келди

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари улуши иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 97,1 %, қурилишда 76,6 %, хизматлар соҳасида 43,9 % ва саноатда 20,6 % ни ташкил этди.

Маълумки, республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг 65 фоизидан ортиқ қисми қишлоқларда яшайди. Бу қишлоқ жойларда тадбиркорликнинг ривожини учун жуда катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ортиқча ишчи кучларини хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш ва шу каби йўналишларга қайта тақсимлаш керак.

Сўнгги йилларда бутун дунёда иқлимнинг кескин ўзгариши, дунёда аҳолининг ошиб бориши ҳамда озиқ - овқат жумладан, мева-сабзавот, мева-сабзавот маҳсулотларини шунингдек, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва дуккакли экинлар, картошка маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Республикада аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва бошқа зарур маҳсулотлар кўпайишини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун, шу соҳаларга ихтисослашган оилавий корхоналарни ташкил этиш, бандликни таъминлаш орқали қишлоқ жойлардаги аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади.

⁹ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1428-o-zbekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi>

¹⁰ Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

Хулоса ва таклифлар

Қишлоқда тадбиркорликни, унинг кичик бизнес шакллари ривожлантириш билан боғлиқ турли бошқарув поғоналарида ташкилий иқтисодий масалаларни ҳал этиш устувор масалалар қаторига киради. Бу мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатимиз миқёсида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш лозим:

Биринчидан, иқтисодий рақамлаштириш шароитида қишлоқ жойларида ишлаш учун малакали кадрлар тайёрлаш ва мунтазам равишда уларнинг малакасини ошириш;

Иккинчидан, республиканинг барча ҳудудларда ҳақиқий тадбиркорлик муҳитини яратиш;

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлаш чораларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

Тўртинчидан, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг меърий -ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

Бешинчидан, қишлоқ жойларида ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни технологик жиҳозлар билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш;

Олтинчидан, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган оилавий корхоналарни ташкил этишни ва ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида қўшимча имтиёзлар бериш ва имкониятлар яратиш, шунинг учун, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида йирик саноат корхоналари билан оилавий корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар кооперациясини ҳамда маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган ишларни амалга ошириш лозим бўлади;

Еттинчидан, ислохотлар натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг оммага етказиш;

Саккизинчидан, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш орқали қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга олиб келади;

Тўққизинчидан, ҳудудларда касаначиликни бошқа йирик корхоналар билан узвий боғлиқлигини таъминлаш орқали ишлаб чиқариш суръатларини оширишга эришиш.

Ўнинчидан, ҳудудларда касаначиликни бошқа йирик корхоналар билан узвий боғлиқлигини таъминлаш орқали ишлаб чиқариш суръатлари ошириш;

Ўн биринчидан, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш орқали қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш;

Юқорида келтирилган таклифларни амалга ошириш натижасида мамлакатимиз қишлоқ жойларида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик янада ривожланади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4862-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.
4. Грубенкова Д.О. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО В ТЕОРИЯХ Р. КАНТИЛЬОНА, МАРКСА, ВЕБЛЕНА И ШУМПЕТЕРА: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ // Международный студенческий научный вестник. – 2016. – № 2.
5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Акад.С.Фуломов умумий таҳрири остида. -Т.: Фан ва технология, 2005.-443 б.
6. Сирополис Н. Управление малым бизнесом. - М.: Дело, 1997.- с. 672.
7. Robert McCan. An outlene of the American//#11/November, 1998.-S.24.
8. В.Чаянов о размере семьи и крестьянского домохозяйства. // Вестник статистики. 1991, № 7, с 47.; 4.Беккер. Г. С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / Г. С. Беккер : пер. с англ. / Сост., науч. ред. послесл. Р. И. Капелюшников; предисл. М. И. Левин. – М.: ГУ ВШЭ, 2003. – 672 с.
9. Лапуста М.Г. Малое предпринимательство. - М.: Инфра-М, 2008. –с. 68.
10. Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. - М : "Прогресс", 1948. - 240 е.
11. Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М : "Мысль",1982.-159 е.
12. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: "Соц.экгиз", 1962. - 332 е.
13. Календжян С. О. и Волков Д. А. (2011). Развитие семейного предпринимательства в России // Экономическая политика, № 5, с. 148-154.
14. Пардаев М.Қ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ.
15. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. Тошкент - “Меҳнат” – 1998.
16. Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари./Монография.-Т.: “Университети”, 2015.
17. Проблемы организационно-экономических факторов и развития услуг по повышению благосостояния семьи Г.М. Шодиева - 2008 г. - Диссертация на соискание ученой степени доктора .
18. Шодиева Г.М., Пардаева О.М. Проблемы развития семейного предпринимательства и повышения занятости и доходов населения и снижения бедности. Академия управления gwalior.; 23: 210.
19. Ахмедов У.Ҳ. Қишлоқ жойларида уй хужаликларининг ривожланиш истиқболлари. (Монография). -Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 152 б.
20. Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).- Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 132 бет.
21. Пардаева О.М. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.
22. Ўлмасов А., Ш арифхўжаев М. лар Иқтисодият назарияси. -Т .: Меҳнат, 1995, 193— 194—б.
23. Ю .М. Осипов Основы предпринимательского дела. Благородный бизнес. -М .: МП. Григов, 1992, 42-4 5 -6 б.